2002 йил 10 июль
№27-28 (305-306).

*Қашқадарё*

## МУЛОҚОТЛАР МАВЗУСИ — СОЛИҚ

***Вилоят солиқ идоралари ходимлари корхона ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш жамоалари, кичик, ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар билан тез-тез учрашиб, солиқлар тарихи, уларнинг мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигида тутган ўрни, солиқ қонунларининг амалга оширилиши ҳақида батафсил суҳбатлар ўтказишяпти.***

Аҳолининг солиқ хусусидаги тушунчаларини такомиллаштириш ҳамда бу соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олишда бундай мулоқотларнинг таъсири катта бўлмоқда.

Қарши шаҳар ҳокимлиги биносида шаҳардаги 62 та маҳалла оқсоқоллари иштирокида солиқ идораси мутахассислари билан юзма-юз мулоқот ўтказилиб, унда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, солиқ интизомини мустаҳкамлашда маҳалла оқсоқолларининг ўрни ва ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида гапирилди. Айрим маҳаллаларда маҳалла фаоллари билан участка солиқ инспекторлари ўртасидаги ҳамкорлик талаблар даражасида эмаслиги далиллар асосида кўрсатиб ўтилди.

**«Mahalla» мухбири.**

*Мушоҳада. Фикр. Таклиф.*

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ЎТИШ

## у қандай жараён?

***Жамиятни эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири - айнан ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириб боришдан иборат.***

Бу борада норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Хўш, мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида қандай асосий вазифалар турибди? Шу ҳақда сўз юритайлик.

Аввало туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар, яъни тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитиб бориш орқали ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оилани давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этиш орқали қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоат назоратини амалга ошириш зарур бўлди.

Иккинчидан, ўзбек халқининг маънавий ахлоқий қадриятлари, унинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари, маданиятини қайта тиклаш, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, рўйхатга олинмаган диний ташкилотлар фаолиятига, ёт қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларига чек қўйиш лозим.

Учинчидан, шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз кўчаларида хавфсиз вазиятни сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳар томонлама кўмаклашиш керак.

Шу ўринда «Маҳалла посбонлари» фаолларидан самаралироқ фойдаланиш, уларнинг таркибига ҳар томонлама тайёргарлик кўрган кишиларни киритиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилса мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллаларда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш - ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи.

Қарияларни қадрлаш дастурини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари катта ўрин тутиши шубҳасиз. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш масалалари доимо уларнинг диққат эътиборида бўлмоғи шарт.

Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш маҳалланинг нуфузини ошириш, бошқарувда уларнинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида маҳалла ҳудудидаги уй-жой, ер ва бошқа кўчмас мулкларни сотишда маҳаллага қандай шахслар келаётганлигини билиш мақсадида маҳалла оқсоқоли ёки масъул котибининг иштирокини таъминлаш зарур бўлиб қолмоқда. Шунингдек, маҳалла ҳудудларини ободонлаштириш, ривожлантириш, маҳалла гузарларини барпо этишда, албатта маҳалланинг имкониятлари катта эмас. Шу масалада моддий ва молиявий таъминлашнинг ички имкониятларини қидириш зарур.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият кўрсатиши, унинг ваколатларини кенгайтириш жараёнида жойлардаги оқсоқолларимиз ва уларнинг маслаҳатчилари қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва меъёрий ҳужжатлари, қўлланмалар, йўриқномалар ва бошқа зарурий ҳужжатларнинг мазмун ҳамда моҳиятини тўлиқ билишлари ва амалда қўллашлари жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам маҳалла фуқароларнинг йиғинларини ушбу ҳужжатлар билан таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишларини ташкил қилиш зарур бўлади.

Ёшларда билимга, илмга қизиқишни уйғотиш, уларда боқимандалик кайфиятини бартараф этиш, кейинги пайтларда учраб турган турли салбий оқимлардан ёшларни ҳимоя қилиш - бу маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятидаги асосий устувор йўналишлардан биридир. Бу ўринда улар ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракатига ва маҳалла фуқаролар йиғинларида тузилган хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш комиссияларга таянишлари керак Ҳар инсоннинг умр мазмуни ўзига хос бўлганидек, ҳар бир маҳалланинг ҳаёти ҳам бетакрордир. Шу боис маҳалла ҳаётини мукаммал ёритиш, барча муаммо - масалаларни, бурч ва вазифаларни, тажрибаларни атрофлича таҳлил этиш имкониятига муяссар бўлиш қийин.

**Раҳмон БОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

*Жиззах вилояти*

## Корхона маҳсулоти маҳалла дастурхонига

*Хорижлик сайёҳ «Ўзбек диёрига қадам қўйган куним димоғимга нон ҳиди урилди», деган экан. Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласидаги кичик нон корхонаси ёнидан ўтаётганимда шу сўзлар эсимга тушди.*

Ҳалигача ер юзида нonнинг ҳидидек азиз ва хушбўй ҳид йўқлиги ҳақида ўйладим. Аслида ҳам шундайда, фаровонликнинг асоси нон эмасми, ахир... Жиззахлик қариялар «Ойқор тоғидан қор кетмасин, дастурхонимиздан нон кетмасин!» деб ҳар тонгда дуо ўқишади.

Заргарлик маҳалласидаги нон корхонаси жамоаси ҳам ота-боболари каби нонни эъзозлаш, ундан турли хилдаги маҳсулотлар тайёрлаш учун барча тажрибаларни ишга солмоқдалар. Олмониялiклар яратган «Винклер» ускуналари билан жиҳозланган нон ишлаб чиқариладиган цехларида йилига 300 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

- Маҳсулотнинг бир қисми маҳалла дастурхонига қўйилаяпти, - дейди нонвойлар. - Маҳалланинг тўю маъракалари бизнинг маҳсулотимизсиз ўтмайди.

17 та нафар ишчидан иборат, бу корхона 8-»Жиззахдон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли. Виталя Бобоева, Гулнора Йўлчиева, Ёркин Мамиров сингари илғор ишчилар ўзларининг тажрибаси ва меҳнатсеварлиги билан обрў-эътибор топмоқдалар. Улар нон маҳсулотлари турларини кўпайтириш, халқимиз дастурхонини сероб қилиш йўлида меҳнат қиладилар.

**«Mahalla» мухбири.**



Ўригидан данаги ширин, деганидек...

*Вилоят минбари: БУХОРО*

# КЕКСАЛАРГА ЭЪЗОЗ, ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

**Беҳбуд ЖУМАЕВ,**
**Бухоро вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.**



Маълумки, мустақиллик туфайли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви органлари, хусусан, маҳалланинг мавқеи қайта тикланди, йил сайин унинг бу мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса унинг фаолиятига оид янги қонунлар қабул қилингач, маҳалла тизими кўплаб ваколатларга эга бўлди.

Тизим фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар, айниқса XXI аср маҳалласи қандай бўлиши ҳақида мунозаралар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туман ҳокимликларида, маҳаллаларда жамоатчилик иштирокида ўрганиб чиқилмоқда. Шунингдек, вилоят миқёсида «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури асосида кексаларни қадрлашдек халқимизга хос асрий анъаналарни, ҳар бир оилада тинчлик, тотувлик ва бахт саодат ҳамда жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришга оид тадбирлар ўтказилмоқда.

Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида байрамлар ва шонли саналарни нишонлаш тадбирлари йилдан-йилга алоҳида ҳаётий, ижтимоий мазмун касб этиб бормоқда. «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини ҳаётга тўлатўкис тадбиқ этиш Оқсоқоллар кенгашлари ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят, шаҳар, туман бўлим ва бўлинмаларининг, ҳар бир қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг муҳим бурчи, деб биламиз. Ушбу вазифани бажариш учун Давлат дастурининг бевосита жамғарма ва маҳаллага оид бандлари бўйича амалга ошириладиган ишларни имкониятлардан келиб чиқиб, аниқ белгилаш, муддатини аниқлаш, масъулларни тайинлаш, назорат ўрнатишга алоҳида эътибор бердик. Давлат дастурининг ҳар бир бандида белгиланган вазифаларни бажариш бевосита ёки билвосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ. Чунки аҳолининг барча қатламлари маҳаллада, қишлоқ ёки овул, шаҳарчаларда истиқомат қилади. Ўтган ярим йил муддатда бу Дастур асосида амалга оширилган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Фарзандлар тарбиясида кексаларнинг ҳаётий тажрибасининг бебаҳо аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида, маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинларида «Қари билганни пари билмас», «Қариси бор уйнинг фариштаси бор» мавзуларида суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Боқувчисини йўқотган ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжларини, соғлиғи ва моддий аҳволини мунтазам равишда эътиборда тутмоқдамиз. 100 ёшга кирган ва 100 ёшдан ошган кишиларга жойларда алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиб келинмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда кексаларнинг ҳаётий тажрибаси бебаҳо аҳамиятга эга. Шундай экан бугун маҳаллаларда, қишлоқларда, барча турар жойларда аҳоли ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш лозим. Бундай имкониятлар ҳар бир маҳаллада, қишлоқда мавжуд. Зеро, ҳар бир жойнинг мард, жасур ўғлонлари, меҳнатидан шон-шараф топган номдор кишилари бор. Ёки кексалар ва кам таъминланган фуқароларнинг Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Имом ат-Термизий номи билан боғлиқ муқаддас жойларда ҳамда Тошкент, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида саёҳатда бўлишини ташкил этиш ҳам қарияларни қадрлаш эмасми?! Бундай имкониятлар ҳам изланса топилади. Чунки бугун маҳаллаларда саховатпеша тадбиркорлар, ишбилармонлар талайгина.

Ёрдамга муҳтож, ёлғиз, кекса фуқаролар, ногиронларнинг турар жойларини таъминлашга ҳам жойлардаги фуқаролар йиғинлари алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунингдек, пенсионерлар ва ногиронларнинг кино, театр, томоша тадбирларига имтиёзли ташриф буюришларини ҳам маҳалла оқсоқоллари ташкил этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига кўра 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб бошланғич синф ўқувчилари билан бир қаторда юқори синф ўқувчилари ҳам бепул қишки кийим ва ўқув қуроллари тўплами билан таъминланмоқда.

Йил бошидан буён вилоятимиз бўйича ўзини ўзи бошқариш органларига боласи 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаётган ишламайдиган 28351 та она нафақа сўраб мурожаат қилган. Уларнинг мурожаати имкон қадар қондирилди. 16 ёшгача боласи бор оилалардан нафақа сўраб мурожаат қилган 22,581 минг нафар оиланинг аризаси қондирилиб, уларга 503936,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида маҳалла ўсмирлари ўртасида «Футболимиз келажаги» кубоги турнири қизғин тарзда ўтмоқда. Унда 9-11 ёшли, 12-14 ёшли, 15-16 ёшли ўсмирларимиз иштирок этишмоқда. Ўсмирларимизнинг футбол мусобақаларида қандай иштиёқ, уюшқоқлик билан қатнашаётганларини кўриб, ўзбек футболининг келажаги ҳақиқатдан ҳам порлоқ бўлишига такрор-такрор инонмоқдамиз.

*Эл корига яраётганлар* — *Тошкент вилояти*

# ЯХШИ ИШЛАГАН ЯХШИ ЯШАЙДИ

## Бу ҳаётнинг темир қонуни

***Кўпчилигимизда «Раҳбарга мазза-да, қўл остидаги одамларга керакли буйруқларни берса бас», деган фикр йўқ эмас. Аслида-чи, аслида ҳам шундаймикан? Бу хусусда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги раиси, Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Боқижон ФОЗИЛОВ шундай фикр билдирдилар:***

**- Авваламбор мен ўзимни фақат раҳбар деб эмас, катта бир оиланинг яшаш тарзига, иссиқ-совуғига, қувончу ташвишига бош-қош одам деб ҳисоблайман. Энди солиштириб кўринг: 10-15 кишилик оилани бошқарадиган одамнинг қанча ташвишу масъулияти бўлади? Бизнинг катта оиламиз - хўжалигимизда эса нақ 9500 нафар аҳоли бор. Тўғри, хўжаликни бошқаришда менинг ёнимга кирадиган кишилар кўп. Лекин ҳар кимни ўз лаёқатига мос ишга буюриб, кадрлардан унумли фойдаланиш ҳам алоҳида жараён. Эл ҳурматини қозониш масаласига келсак, эл-юрт анойи эмас! Раҳбар бўлдим, дея оёғи ердан узилиб кетадиганлар эмас, одамларга чиндан қайишадиган, ўзига берилган ваколатдан виждонан фойдаланадиган раҳбаргина эл ҳурматини қозониши мумкин.**

Боқижон ака қишлоқ хўжалиги соҳасининг устаси бўлиб кетганлар, десак асло муболаға бўлмас. У киши бу соҳадаги фаолиятларини бундан 36 йил муқаддам агротажрибахонада тупроқшунос мутахассис сифатида бошлаганлар. Ширкат хўжалигига раҳбарлик қилаётганларига эса оз эмас, кўп эмас, 16 йил тўлди. Хўжалик ишлари қай даражада унумли йўлга қўйилганлигини илғорларнинг мунтазам мукофотланиши, йилдан-йилга режаларнинг белгиланганидан бир неча баробар ошириб бажарилаётгани ҳам тўлақонли исботлаб турибди. Меҳнат фахрийларини рағбатлантириш, байрам ва қутлуғ айёмларда совғалар билан сийлаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун хўжаликнинг ҳар йилги соф даромадидан бир неча миллионлаб сўм миқдорида маблағ сарфланмоқда. Бугунги кунда ширкат аҳли оилавий пудрат асосида ишлашмоқда. Одамлар деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари кейинги йилларда ташкил этилган тикувчилик ва консерва ишлаб-чиқариш цехлари, хом ашёларни қайта ишлаш цехлари ва иссиқхонада ҳам меҳнат қилишмоқда. Шуниси қувончлики, ишчиларнинг ак-



Суратда: «Наврўз» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Б.ФОЗИЛОВ (ўртада) хўжалик мутахассислари билан бу йилги ҳосил чўғини мўлжаллашмоқда.

сарияти ёшлардан иборат. Бир нечта спорт секциялари ҳам доимо ёшлар билан гавжум.

Дарвоқе, ширкат ёшларининг жуда ибратли - ота-она касбини эгаллаб, оила сулоласини давом эттиришдек анъаналари бор экан. Ёшлар ўртасида иш қидириб, узоқ ерга кетиш ҳоллари деярли йўқ. Қолаверса, хўжаликни айланган киши бу ер ҳеч қандай шаҳардан қолишмаслигига амин бўлади: кўчалар асфальтланган, хонадонлар тўлиқ газлаштирилган, ичимлик суви ва электр энергияси таъминотида тақчиллик йўқ. Бир нечта боғчаларию мактаблар, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ишлаб турибди.

**- Иш жойлари ва турар жой билан таъминлашда муаммоларимиз йўқлиги туфайли бизнинг ёшларимиз фақат билим олиш ёки саёҳат ва зиёрат қилиш учунгина бошқа жойларга боришади. Мактаб ўқувчиларини даладаги чопиқ, ягана ва терим каби юмушлардан четлаштириб, чуқур билим олишларига эътиборни қаратиб келяпмиз. Ўтган йили ўз даромадимиз ҳисобидан, ҳеч бир ташкилотнинг ёрдамисиз 320 ўринли замонавий услубдаги мактаб қурилишини бошладик, ўйлайманки, 2002-2003 ўқув йилини ўқувчиларимиз янги мактаб биносида бошлайдлар. Маданий-маърифий тадбирлар ҳам эътиборимизда. Хўжаликда ким қандай дард билан яшаётганидан бохабар бўлишга ҳаракат қиламиз. Маҳалла оқсоқоллари менинг энг биринчи маслаҳатчиларим. Улар маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг жонкуяри, дардкаши. Мен айнан улар воситасида қайси оилада қандай муаммо борлигини, кимга қандай ёрдам кераклигини билиб тураман.**

**Умуман, бугунги ҳаётимизнинг кўп жиҳатлари бундан ўн-ўн беш йил аввалгидан тубдан фарқ қилади. Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Бир пайтдагидек юқоридан бериладиган режалар асосида кўр-кўрона ишлашга аллақачон барҳам берилган. Ҳозир қайси экиндан даромад келса, ўша экин экилади, етиштирилган маҳсулотларнинг маълум қисми халқимиз эҳтиёжига сарф бўлади.. Энг муҳими, одамларимизнинг кайфияти бутунлай ўзгача, кўтаринки. Уларни бир кузатинг, даладаги деҳқонми, заводдаги ишчими, мактабдаги муаллим ва ўқувчими, устахонадаги ҳунармандми... ҳамма-ҳаммасида яхши ишлаб, яхши яшашга интилиш, кучли иштиёқ бор. Менимча, ҳар қандай жамиятнинг ривожи учун энг муҳими ҳам шу бўлса керак.**

**Мавлуда ҚОСИМОВА,**
**Ўғилой ТОШПЎЛАТОВА.**

*Ҳоким ташвиши - эл ташвиши* — *Сурхондарё*

# ҚИЗИҚ-ИСТАРА ДАШТИДАГИ МАҲАЛЛАЛАР

**Қизириқ тумани ҳокими М.ХОЛБОЕВ билан суҳбат**

***Туманимиз аввалдан Сурхон воҳаси ичида довруғ қозонган тумандардан биридир. Аммо кейинги йилларда унинг ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлари бироз орқага кетди. Қизиқ-Истара чўлида туманимиз ўзига хос тарихга эга. Қандай қилиб унинг шуҳратини қайта тиклаш мумкин? Биз - туман ҳокимлиги раҳбарлари ана шу ҳақда бош қотирдик. Чунки вилоятдаги турли тизимларда раҳбарлик қилган фаолиятим сабабли бу тумандаги аҳволни яхши билардим.***

Илгарилари шу туманга раҳбарлик қилган кекса кишилар маслаҳатига қулоқ тутдик, иш тажрибаларидан фойдаландик. Туманнинг ишлаб чиқариш фаоллари, фахрийлар билан очиқ мулоқотлар ўтказдик.

Меҳнаткаш, ҳалол одамлар бизни қўллаб-қувватлади, улар билан ҳамдам, ҳамнафас бўлдик. Минглаб гектар шўрланган экин майдонлари унумдор, ҳосилдор ерларга айлантирилди, қисқа вақт ичида барча очиқ ва ёпиқ зовурлар тозаланди. 50 та экскаватор туни-кун ишлатилди. Шўр сувлар оқими тўсиб ётган балчиқ, қамишзорлар тозаланди. Одамларнинг эртанги кунга, мўл ҳосил етиштиришга ишончи кучайди.

Охунбобоев номли, Ҳ.Эшонов номли хўжаликларимизда сув таъминоти яхшиланди. Занг каналида икки босқичли насос станцияси қурилди. Айни вақтда «Янги йўл» хўжалиги учун насос станцияси учинчи босқичи қурилиши ниҳоясига етай, деб қолди. Бу ишга 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган.

Пахта ва ғаллачилик ҳосилдорлиги юқори ўринларга кўтарилди. Ғалла майдонлари ҳақиқий деҳқонларга тарқатиб берилди. Аввалги йилга нисбатан 14 минг тонна кўп пахта ишлаб чиқардик.

Муаммоларимиз ҳам кам эмас. Қисқа вақт ичида кўпгина мактаблар капитал таъмирланди, замон талаблари даражасида жиҳозланди. Баъзи мактабларга қўшимча бинолар, 11-сонли мактабнинг 192-ўринли янги биноси қурилди. Туман марказида касб-ҳунар коллежи қад ростлади. 400 ўринли маиший хизмат коллежи қурилиши жадал давом эттириляпти. Ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш, санъат ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиляпти. Натижа ёмон эмас. Биргина ўтган йили олий ўқув юртига олдинги йилдагига нисбатан уч баравар кўп ўқувчи кирди.

Эл саломатлигини сақлаш - ҳамма нарсадан устун. Шунинг учун тиббиёт соҳасини қўллаб-қувватлашни ҳам муҳим ишимиз деб биляпмиз. Ўтган қисқа фурсатда 3 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Яқинда Бўстон ва Қорақасмоқ маҳаллаларида қишлоқ врачлик пунктлари иш бошлайди. Қорасув, Янгиобод, Кунчиқиш, Оқжар маҳаллаларида ҳам бу борада тузатиш-қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Туман марказидаги туғуруқхона қайта таъмирланди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Вилоятда ягона тез тиббий ёрдам маркази шахобчаси қурилиши якунланаяпти.

Туманимизда 28 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили Гулзор, Янги ҳаёт, Янги турмуш, Работак, Охунбобоев номли, Қорасув каби маҳаллаларда гузарлар ташкил этилди. Бўстон маҳалла гузарида аҳолига намунали хизмат кўрсатадиган ҳамма шароитлар яратилди. Туманда «Маҳалла кунлари» ташкил этганмиз. Бунда туман ҳокимлигининг масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари, фаоллар иштирок этишиб, муаммолар шу жойнинг ўзида ҳал қилиняпти. Натижада ариза ва шикоятлар камайди. Жиноятчиликнинг олди олинди. Маҳаллаларда яраштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш комиссиялари фаолияти сезиларли даражада яхшиланди.

Хуллас, барча ишларимиз мазмунида халқимизнинг яхши яшаши, иқтисодий жиҳатдан хотиржам ҳаёт кечириши ўз ифодасини топади. Бундан кейин ҳам маҳаллалар билан ҳамкорликда иш юритаверамиз.

**Омон ШУКУРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

